



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ УЙ ҚАМОҒИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ ТАНЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Ахмедов Авазбек Бахриддинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 310-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17320933>

ARTICLE INFO

Received: 1st October 2025
Accepted: 5th October 2025
Published: 10th October 2025

KEYWORDS

ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
профилактика
инспекторлари, эҳтиёт чора,
уй қамоғи, чекловлар, халқаро
тажриба.

ABSTRACT

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг уй қамоғи эҳтиёт чораси танланган фуқаролар билан ишлаш фаолияти, улар билан амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар, халқаро тажриба, муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда катта ижобий ишлар амалга оширилди ва бугунги кунда улар кенг кўламда давом эттирилмоқда, бу ўзгаришлар жамиятимиздаги ҳар бир соҳада, жумладан қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қонунларни амалга ошириш учун Республикамиз фуқароларининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фуқароларнинг қонун нормаларига ихтиёрий амал қилишини таъминлаб қонун бузилишларини олдини олади, ижтимоий адолатни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз “Адолат –қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттираемиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»¹ деб бежизга такидлаб ўтмаганлар.

Эҳтиёт чораларидан уй қамоғи эҳтиёт чорасининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш мазкур чорани тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларда юз берган ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Барчамизга маълумки, 2014 йил 04 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

¹ Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди. Мазкур ҳужжат асосида, тўққизта кодекс, 19 та қонун ва битта низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги «Эҳтиёт чораларининг турлари» деб номланган 237-моддага «уй қамоғи» ҳам қўшилиб, эҳтиёт чораларининг жами сони еттитадан саккизтага кўпайтирилди.

Мазкур моддага кўра, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ, деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек, унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидир.

Профилактика инспекторлари ўзининг маъмурий ҳудудларида уй қамоғи эҳтиёт чораси танланган шахсларнинг рўйхатини олиб, ҳар бир уй қамоғи танланган шахсларнинг яшаш жойига бориб, улар билан профилактик суҳбат ўтказиб, белгиланган уй қамоғидаги чекловларни бузган тақдирда ушбу эҳтиёт чораси бошқа эҳтиёт чора билан алмаштирилиши ҳақида огоҳлантирилади. Мунтазам равишда профилактика инспекторлари маҳалласидан уй қамоғи эҳтиёт чораси танланган шахсларни текшириб боради. Ушбу белгиланган чекловлар бузилган тақдирда эса ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, тушунтириш хатлари олиниб ва фотовидеолар қилиниб ушбу ҳужжатларни туман-шаҳар ИИО бошлиғи номига билдирги асосида уй қамоғи эҳтиёт чораси танлаган суриштирувчи, терговчи прокурорга маълум қилинади. Ушбу ҳолатдан хабар топган суриштирувчи, терговчи прокурор эса уй қамоғи эҳтиёт чораси танланган шахс томонидан бузилган ҳолат бўйича ушбу шахсга бошқа эҳтиёт чорасига алмаштириш бўйича қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242¹-моддасига асосан ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

- 1) муайян шахслар билан алоқада бўлиш;
- 2) хат-хабар олиш ва жўнатиш;
- 3) ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;
- 4) уй-жойни тарк этиш.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи барча тақиқларга (чекловларга) ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши устидан назорат амалга ошириладиганда профилактика инспектори унинг яшаш жойида бўлишини сутканинг исталган вақтида текширишга ҳақли.

Текшириш кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта ўтказилади.

Зарур ҳолларда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан электрон кузатиш воситалари қўлланилиши мумкин².

Тарихга назар соладиган бўлсак, мазкур эҳтиёт чораси судьялар томонидан қамоқда сақлаш эҳтиёт чорасига муқобил чора сифатида қўлланила бошланган.

² <https://www.lex.uz/acts/111460>. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ.

1633 йил Римда физик олим Галилео Галилей суд томонидан Николай Коперникнинг гелиоцентрик назариясини қўллаб-қувватлаганлиги учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинади, бироқ кейинчалик мазкур жазо чораси уй қамоғига ўзгартирилиб, умрбод инквизиция назорати ўрнатилади.

АҚШда ва бошқа кўплаб ғарб давлатларида ХХ асрнинг охириларида, яъни кузатув электрон қурилмаларни ишлаб чиқилгунга қадар мазкур эҳтиёт чорасини қамоқнинг ўрнига қўлланилмаган.

АҚШ барча жиноят процесси жараёнларида уй қамоғини қўллаш бўйича амалий тажрибага эга. Негаки, илк бора 1983 йилда АҚШнинг Нью-Мексико штатида Олий суд томонидан уй қамоғи эҳтиёт чораси қонунийлаштирилган бўлиб, электрон кузатув орқали амалга оширилган. “Уй қамоғи” ҳамда “электрон кузатув” тушунчалари бир бирига яқин тушунчалардир. Негаки, уй қамоғида сақланаётган шахснинг турар жойи тўлиқ электрон кузатув остига олинади. Электрон мосламалар нафақат уй қамоғидаги маҳкумларга балки шартли ҳукм қилинган, жазони ўташ муассаларидан муддатидан олдин озод этилган шахсларни назорат қилиш учун ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, АҚШда маҳкум “электрон мониторинг қилиш хизмати” харажатларини ўзи тўлашга мажбур.

Мазкур назорат усули “синов муддати”даги шахсларга самаралидир, негаки улар ўзларини доимий равишда назорат остида эканликлари сабабли янги жиноятларни содир этишдан ўзларини чеклайдилар.

Маҳкумнинг доимий яшашдиган турар жойга камерали алкотестер ўрнатилиб, унинг мобил телефонида алкотестер трубкасига нафас олиши тўғрисида эслатма келади ва шу вақтда камера маҳкумни суратга олиб полиция ходимларига юборади.

Бошқа ҳолатларда маҳкум ўзи бир кунда 5 маротабагача полицияга қўнғироқ қилиб ўзининг уйда эканлиги тўғрисида хабар бериши мумкин.

Уй қамоғининг АҚШда қўлланилиши жинойи-ижроия тизимидаги харажатларни қисқартиришнинг самарали усули ҳисобланади. Негаки, битта маҳкумни қамоқда сақлаш учун кетган харажат электрон мониторинг қилиш учун сарфланадиган маблағдан 7 маротаба кўпроқдир.

Бунда маҳкумга браслет кўринишидаги электрон қурилма тақилиб, мазкур қурилма орқали доимий равишда GPS сигналлари полиция ходимлари томонидан ўрнатиладиган қурилмадан доимий равишда узатилиб турилади. Бундан ташқари, маҳкумга АҚШда айрим жойларга бориш ҳамда айрим шахслар билан учрашиш таъқиқланади. Шунингдек, маҳкумга спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилиш, қурол сақлаш қатъиян таъқиқланади. Маҳкумга телефон орқали сўзлашиш вақти ҳам чегараланган бўлиб, вақт суд томонидан ўрнатилади.

Шунингдек, агарда маҳкум “Интернет” тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлса, унинг виртуал хаёти полиция ходимлари томонидан доимий назоратга олиниши ҳақида огоҳлантирилади.

Полиция ходимлари маҳкумни сутканинг исталган вақтида белгиланган ҳудуддан чиқиб кетмаганлигини, ўрнатилган қурилмаларнинг техник созлигини текширишга, турар жойда таъқиқланган нарсалар сақланмаётганлигини текшириш мақсадидда кўздан кечириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, маҳкум белгиланган вақтларда махсус номерга қўнғироқ қилиб, ўзининг турар жойда эканлиги ҳақида хабар бериб туришга мажбур.

Юқорида кўрсатиб ўтилган чекловлардан ташқари, АҚШда уй қамоғи қўлланилган маҳкум яшаш жойини фақатгина суд томонидан белгиланган вақтлардагина тарк эта олади.

Яшаш жойини тарк этиш вақти уй қамоғининг суд томонидан айнан қайси оғирлик даражасидаги уй қамоғи қўлланилганлиги билан боғлиқ. Мисол учун, биринчи оғирлик даражасидаги уй қамоғида фақат суд томонидан белгиланган вақтда яшаш жойини

тарк этмаслиги, бошқа исталган вақтда яшаш жойидан кетиши мумкин бўлиб, иккинчи оғирлик даражасидаги уй қамоғида эса белгиланган вақтларда фақат ўқиш, ишлаш, адвокат билан учрашиш ва суд томонидан белгиланган бошқа жойларгагина бориш учун яшаш жойини тарк этиши мумкин. Учинчи оғирлик даражасидаги уй қамоғида эса, маҳкум доимий равишда яшаш жойида бўлиши, фақатгина даволаш муассаларига, суд органларига ва суднинг қарорида кўрсатилган бошқа тадбирларга бориш учун тарк этиши мумкин.

Европа давлатларида уй қамоғи нафақат эҳтиёт чораси балки, жазо чораси сифатида шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Уй қамоғини қўллаш бўйича Франция ўзига хос хусусиятларга эга. Уй қамоғига ҳукм қилинган шахс ишлаши, шу билан бирга кинотеатрларга бориши, дўстлари билан учрашиши мумкин. Бироқ, кечки вақтда ҳамда дам олиш кунлари яшаш жойидан чиқмаслиги лозим. Францияда уй қамоғини озодликдан маҳрум этиш муассасаларида тайинланган жазонинг ярмини ўтаб бўлганларидан сўнг, ўз яшаш уйларида оёқларида электрон браслет тақилган холда ўтайдилар.

Агарда тарихга назар соладиган бўлсак, ҳукумат вакиллари мазкур эҳтиёт чорани кўпроқ давлат тўнтариши натижасида бошқарувдан тушган сиёсий лидерларга нисбатан қўллаган, ҳамда бу эҳтиёт чораси оддий жиноятчиларга қўллаш кенг тарқалмаган. Мисол учун, Алжирда 1965 йилда собиқ Алжир президенти Ахмед Бен Беллаганга нисбатан 1980 йилгача сургун қилингунга қадар қўлланилган.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилганлардан айтиб ўтиш жоизки, барча давлатларда уй қамоғини қўллаш амалиёти ўзининг ижобий ҳамда салбий жихатларига эга. Ўзбекистон Республикасида эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароитлар яратилиши билан бир қаторда, оилаларни сақлаб қолиш, ноҳўя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлган вақтда тегишли хулоса чиқариб олишга, қамоқдаги шахслар сонининг камайишига хизмат қилади. Бу эса профилактика инспекторларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини етарли даражада олиб боришига имкон беради. Эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этган фуқароларимизга ушбу эҳтиёт чораси қулай ҳисобланиб қилган ишидан пушаймон бўлиб, бошқа жиноят содир этмаслигига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови". Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
2. Мусиенко Д.И. Система электронного контроля лиц./Д.И.Мусиенко// Современная специальная техника. – 2012.-№ 30.-С. 128-14\31.
3. Борсученко С.А. Система наказания по Уголовному кодексу Испании // Уголовноисполнительное право .2017. Т. 12. №3. С. 336-341.
4. Голубцова К.И. Особенности системы электронного мониторинга подконтрольных лиц в зарубежных странах / К.И.Голубцова // Вестник Кузбасского инст.
5. <https://www.lex.uz/acts/111460>. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ.
6. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Ниятулло Жаҳонгир Ўғли Аҳмадқулов. "Профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.
7. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Асадбек Аброр Ўғли Абдухалилов. "Профилактика инспекторининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан

ҳамкорлигини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

8. Рустамов С. Кушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.

9. Qushboqov, S., & Jumashev, O. (2024). huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'рни. *Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования*, 3(Махsus son 12), 54-56.

10. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy jazo tushunchasi, maqsadi va turlarining mazmun-mohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Махsus son 12. – С. 7-12.

11. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.

12. Кушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.

13. Алтмишев Т., Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.

14. Кушбоқов Ш., Самадов М. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 95-98.

15. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.

16. Кушбоқов Ш, Т. Ж. (2023). Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 2(2), 49-55.

17. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.

18. Qushboqov S. Maxsus huquqdan mahrum etish jazosini ijro etishdagi muammolar va ularni bartaraf etishga oid takliflar //Академические исследования в современной науке. – 2025. – Т. 4. – №. 4. – С. 52-56.

19. Кушбоқов Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.

20. Кушбоқов Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.